

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

DEHLI, INDIA – APRIL 1

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Юсупов Азизжон Қаҳрамонович

Тошкент давлат транспорт университетининг катта ўқитувчиси

Қурбонов Темурбек Ўқтам ўғли

Тошкент давлат транспорт университетининг талабаси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти орқали юк ташиш хизматлар соҳасини ривожлантириш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлили ёритилган. Хусусан “Ягона дарча” тамойили асосида юк эгаларига темир йўл транспорти орқали юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этилиши натижасида эришилаётган ютуқлари ва тадбиркорлик субъектлар томонидан вагон операторларини эркин танлаш хуқуқини таъминлаш тўғрисида баён этилган.

Калит сўзи: Темирйўлкарго, Темирйўлинфратузилма, акциядорлик жамияти, ягона дарча, эшикдан-эшикгача, оператор.

Темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2023 йил 10 октябрда ПҚ-329-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда темир йўл транспорти соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

- темир йўлда ташиш хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш ва жозибадор инвестиция муҳитини яратиш орқали ташиш жараёнларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш;
- темир йўл соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;
- темир йўл корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчи ва юк ташишда таннарх ва харажатларни камайтириш, операцион самарадорликни таъминлаш борасида хисобдорлик ва рақамлантирувчи муҳитни яратиш;
- тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш хуқуқини таъминлаш;
- темир йўл хизматларини курсатишда иқтисодий ва молиявий салоҳияти юқори булган йўналиш ва соҳаларга мустақил ривожланиш, шу жумладан маҳаллий ва халқаро молия бозорларига чиқиш ҳамда давлат кўмагисиз кредит ресурсларини жалб қилиш учун имконият яратиш;
- темир йўл соҳасидаги давлат улуши мавжуд компанияларда корпоратив бошқарув тизимини тубдан яхшилашдир.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақасада иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг таклифига биноан “Ўзбекистан темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар негизида 2024 йил 1 январдан бошлаб “Темирйўлинфратузилма” АЖ, “Темирйўлкарго” АЖ, “Темирйўлэкспресс” АЖ, “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ ва “Темир йўл ижтимоий хизматлар” муассасалари қайта ташкил этилди. Ҳозирги кунда булардан юк ташиш хизматларини

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

DEHLI, INDIA – APRIL 1

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

амалга ошириш, юк вагон ва контейнер хужалигини сақлаш ва ривожлантириш, мультимодал “эшикдан эшиккача” ташувларни йўлга қўйиш, логистика марказлари хамда терминалларини ташкил этиш мақсади ташкил этилган “Темирйўлкарго” АЖ томонидан мижозларга логистик хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Халқаро коридорларда “Темирйўлкарго” АЖ оператор сифатида тан олинди. “Темирйўлкарго” АЖ хил турдаги ва ҳажмдаги юкларни ташиш учун темир йўл вагонларини тақдим этишга ихтисослашган йирик компаниясига айланди. Унинг асосий вазифаси – юкларни юк жўнатувчидан юк қабул қилувчигача самарали ва хавфсиз етказилишини таъминлаш, юк вагон ва контейнер хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш, мультимодал “эшикдан-эшиккача” тамоил асосида ташувларини йўлга қўйиш, маҳаллий ва хорижий логистик марказ ва терминалларни ташкил қилиш Компания томонидан юкларни ташища вагонларни тақдим этиш, мултимодал логистик хизматларни ташкил қилиш, юкларни суғурталаш, юкларни “онлайн” тарзда кузатув хизматини кўрсатиш ва бошқа турдаги логистик хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

Илгарилари мижозлар темир йўл транспорти орқали фақатгина “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тассаруфидаги вагонлар орқали юкларини ташиганлар. Бу эса темир йўл транспорти орқали юк ташувлари монополлашув асосида эскича усуллардан фойдаланилиб келинган эди. Натижада темир йўл вагонларида юкларни ташиш нархлари юқорилиги ҳамда юкларнинг ўз вақтида етиб бормаганлиги сабабли мижозларнинг аксарият қисми автомобил транспортига ўтиб кетишига олиб келди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329-сонли карорини ижросини таъминлаш мақсадида “Темирйўлкарго” АЖ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ вагон хўжали тассаруфидаги умумий вагон паркларини қабул қилиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда (1-расм). Шу билан бирга темир йўл транспортида юк ташишни жозибадорлигини ошириш мақсадида хусусий операторларга ўз вагонлари орқали юк ташиш хизматларини кўрсатишига имкониятлар яратилган.



1-Расм. “Темирйўлкарго” АЖ томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ вагон хўжали тассаруфидаги умумий вагон паркларини қабул қилиш схемаси
Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш хукуки таъминланмоқда (2-расм).

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

DEHLI, INDIA – APRIL 1

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>



2-Расм. Тадбиркорлик субъектлари томонидан вагон операторларини танлаш имкониятларининг схемаси

Қисқа муддатларда олиб борилган ишлар натижасида 2024 йилнинг дастлабки 20 кунлиги давомида жамият логистика марказларида 10 мингга яқин вагон ва 7 мингта контейнерларга хизмат кўрсатилган. Шунингдек аксарият экспортга Ўзбекистондан Хитой, Россия ва Қозоғистон йўналишларида 30 та маршрут поездлари (ҳар бири 50 та контейнердан иборат) юборилган. Ўтган йилги шу даврга нисбаттан ушбу кўрсатгичлар ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 йилдаги ПФ-4230-сонли “Юк ва йўловчиларни ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорини бажариш учун, шунингдек уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукumatни кенг жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги

4699-сонли Қарори асосида, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, “Ягона дарча” тамоили асосида юк эгаларига юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилиб амалиётда жорий этилган.

Ушбу миллий веб-дастур, темир йўл транспортидан фойдаланувчи – юк эгалари Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш, барча ўзаро мулоқотларни ва ташиш хужжатларини расмийлаштириш интернет орқали масофадан туриб бажариш, электрон маълумотлар айланмасини ташкил этиш йўлга қўйилган. Натижада маҳаллий йўналишларда юк эгаларининг юкларини жўнатиш учун келишув ва шартномаларни амалга оширишдан бошлаб вагонларга ортилган юкларни жўнатилгунга қадар эскича усувларда 3 сутка ёки 72 соатни ташкил этган бўлса, бундай амалларни “Ягона дарча” тамоили асосида яратилган тизими асосида амалга оширилганида ортиқча аворагарчиликларни олди олиниб 18 соатгача камайтиришга эришилган. Ҳозирги кунда ушбу миллий веб-дастури

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

DEHLI, INDIA – APRIL 1

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

имкониятларини янада ривожлантириш мақсадида ҳалқаро ташишлар учун электрон хужжатлари айланмасини амалга ошириш ҳамда божхона қўмитасининг электрон дастури билан интеграция ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса ва кутилаётган натижалар:

Тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш хуқуқини таъминланиши; Логистика хизматларидан фойдаланувчилар учун “комплекс хизмат” кўрсатишни йўлга қўйилиши, яъни хусусий вагонлар паркини ташкил этиш ҳисобига ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш, шунингдек вагонларни ижарага бериш тизимини соддалаштирилиши;

Хизмат кўрсатиш даражасини 4PL даражасида ташкил этишлиши;

Юк ташиш харажатларини 30 фоизгача камайтирилишидан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2023 йил 10 октябрда ПҚ-329-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 йилдаги ПП-4230-сонли “Юк ва йўловчиларни ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
3. 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
4. Ўзбекистон темир йўл низоми 2008 й.
5. “Ягона дарча” тамоили асосида юк эгаларига юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизими. Мижозлар учун фойдаланиш йўрикномаси Т-2022й.
6. “Ягона дарча” тамоилили концепцияси ривожланишининг ўзига хос муҳим жиҳатлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp139-145>.
7. <https://www.utk.uz/>.
8. <https://railway.uz/uz/e-okno/>.
9. <https://www.railway.uz/>.
10. <https://e-nakl.railway.uz/>.